



ANALYSIS OF MODERN MECHANISMS FOR FRAUD PREVENTION

Isomiddinov Sadirdin G'anijonovich

Independent Researcher at the Academy of the Ministry of
Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17394416>

ARTICLE INFO

Received: 14th October 2025

Accepted: 19th October 2025

Online: 20th October 2025

KEYWORDS

*Fraud, crime prevention,
digital economy,
cybersecurity, information
technologies, financial
monitoring.*

ABSTRACT

The article analyzes the socio-legal nature of fraud, its modern manifestations, and advanced mechanisms used in the prevention of this type of crime. It also identifies the strengths and weaknesses of the existing fraud prevention system in Uzbekistan and proposes measures to improve its effectiveness.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ

Исомиддинов Садирдин Ғанижонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17394416>

ARTICLE INFO

Received: 14th October 2025

Accepted: 19th October 2025

Online: 20th October 2025

KEYWORDS

*Фирибгарлик, жиноят
профилактикаси, рақамли
иқтисодиёт,
киберхавфсизлик, ахборот
технологиялари, молиявий
мониторинг.*

ABSTRACT

Мақолада фирибгарлик жиноятининг ижтимоий-ҳуқуқий моҳияти, унинг замонавий кўринишлари ҳамда профилактикасида қўлланилаётган илғор механизмлар таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда фирибгарлик жинояти профилактикасини амалга оширишда мавжуд тизимнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилган ҳамда самарадорликни оширишга қаратилган тақлифлар илгари сурилган.

Ҳозирги кунда фирибгарлик жинояти нафақат миллий, балки глобал миқёсда жиноятчиликнинг энг кенг тарқалган турларидан бирига айланди. Масалан, OECD мамлакатларида ICT сектори 2013–2023 йилларда йиллик ўртача 6.3% ўсишга эришадигани ва бу умумиқтисодий ўсишдан бир неча баробар юқори экани кўринадигани. Ўзбекистонда эса кибер жиноятлар сўнгги беш йилда 68 мартагача кўпайган бўлиб, биргина 2024 йилда банк карта фирибгарликлари бўйича 57,000 дан ортиқ ҳодиса қайд этилган, ва киберхавфсизликка оид жиноятлар умумий жиноятлар орасидаги улуши 6.2% дан 44.4% гача ўсган. Бу кўрсаткичлар рақамли



иқтисодиётнинг ўсиши, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва ҳуқуқий онгнинг етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоли тенденцияларни кўрсатади.

Фирибгарлик жиноятининг олдини олиш (профилактикаси) соҳасидаги илмий тадқиқотлар асосан унинг анъанавий, яъни мулкӣ ва иқтисодӣ турларига қаратилган бўлиб, бу йўналишда ҳуқуқӣ, ташкилий ва ижтимоӣ-профилактик механизмлар кенг ўрганилган. Бироқ сўнгги йилларда глобал рақамли муҳитнинг ривожланиши, ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётнинг барча жабҳаларига чуқур кириб бориши натижасида киберфирибгарлик, интернет-алоқалар орқали алдаш, электрон тижорат ва онлайн тўлов тизимларидан фойдаланиб жасорат билан содир этилаётган шакллари пайдо бўлди. Бу ҳолат жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш соҳасида илгари қўлланилган усулларни қайта кўриб чиқиш, янги технологик ва виктимологик ёндашувларни жорий этиш заруратини туғдирмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, замонавий фирибгарликнинг катта қисми рақамли муҳитда, яъни электрон почта, мессенжерлар, ижтимоӣ тармоқлар ва онлайн тўлов тизимлари орқали содир этилмоқда. Масалан, сўнгги беш йил ичида қайд этилган кўрсаткичлар жиноятчилик профилактикасининг классик усуллари билан чекланиб бўлмаслигини, рақамли хавфсизликни таъминлашга оид ҳуқуқӣ ва институционал механизмларни янгилаш зарурлигини намоён этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, фирибгарлик жиноятининг замонавий шакллариға қарши профилактик чоралар тизими фақат жиноят содир этгандан кейинги жазо чоралари билан эмас, балки хавфни илгари аниқлаш, рақамли саводхонликни ошириш, аҳолининг ҳуқуқӣ онги ва ахборот маданиятини юксалтиришға қаратилган кенг қамровли профилактик сиёсат билан таъминланиши лозим. Замонавий шароитда профилактика соҳасидаги тадқиқотлар жиноятчиликнинг динамикасини фақат социологик ёки ҳуқуқӣ эмас, балки киберпсихологик, технологик ва виктимологик нуқтаи назардан ҳам таҳлил этишни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни (2022 й.) ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (2014 й.) ушбу соҳадаги ҳуқуқӣ асосларни белгилаб берди. Аммо амалиётда профилактик фаолиятни замонавий механизмлар асосида ташкил этиш ҳали етарлича самарали эмас.

Фирибгарлик – бу алдаш ёки ишончни *sui iste'mol* қилиш орқали мулкни ёки мулкӣ ҳуқуқларни ноқонуний эгаллаш жиноятидир. Унинг ижтимоӣ хавфлилиги шундаки, у фақатгина мулкӣ зарар етказмай, балки жамиятда ишонч муҳитини заифлаштиради, иқтисодӣ муносабатларға салбий таъсир кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Республикамизда қайд этилган жиноятлар орасида фирибгарлик жиноятининг салмоғи йил сайин ортаётгани кузатилмоқда. Жумладан, 2020 йилда фирибгарлик жиноятлари умумий жиноятларнинг 16,9 фоизини, 2021 йилда – 22,7 фоизини, 2022 йилда – 19,6 фоизини, 2023 йилда – 17,8 фоизини ва 2024 йилда эса – 28 фоизини ташкил этган. Фирибгарлик жиноятининг юқори суръатда ўсиши натижасида жабрланувчилар сони ҳам сезиларли даражада қолмоқда. Хусусан, расмий маълумотларға кўра, 2020 йилға нисбатан 2021 йилда 20,88 фоизга, 2021 йилға нисбатан 2022 йилда 3,48 фоизга,



2022 йилга 2023 йилда 12,22 фоизга, 2023 йилга нисбатан 2024 йилда 10,27 фоизга ўсиш кўзатилган. Ушбу кўрсаткичлар фирибгарлик жиноятининг нафақат жиноий статистикадаги улушининг ортиши, балки унинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда аҳоли турмуш фаолиятига етказётган салбий таъсирини янада яққол намоён этмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур турдаги жиноятларга қарши курашишда виқтимологик профилактика чораларини кучайтириш ва профилактиканинг мақсадли йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда¹. Сунъий интеллект ва замонавий рақамли ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникациялар ривожланган сари фирибгарликнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Ушбу турдаги энг кенг тарқалгани – ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар охириги 3 йилда 8 баробарга кўпайган. Мамлакатимизда фирибгарликнинг асосий қисмини ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик ҳиссасига тўғри келмоқда. Жумладан, 2021 йилда 13,5 фоиз, 2022 йилда 6,4 фоиз, 2023 йилда 11,1 фоиз, 2024 йилда 71,9 фоиз содир этилган².

Ўзбекистонда фирибгарлик жинояти профилактикасининг бугунги ҳолати таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасида фирибгарликка қарши профилактика сиёсати Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (2014 й.)³, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни (2022 й.)⁴, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг қўшма қарорлари (2023 й.) каби ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда ташкил этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фирибгарлик жинояти профилактикасининг аҳолининг киберхавфсизлик маданияти етарлича шаклланмаганлиги, идоралараро маълумот алмашинуви сустлиги, жиноятлар ҳақида тезкор ахборот етказиш тизими етарли даражада фаол эмаслиги, профилактика тадбирларига ННТлар ва фуқаролик жамияти институтлари етарлича жалб этилмаганлиги билан боғлиқ муаммолар учрайди..

Криминологик тадқиқотларда фирибгарлик жиноятларининг содир этилишига қуйидаги омиллар тақазо этмоқда:

аҳолининг иқтисодий қийин аҳволи ва ишсизлик;

молиявий саводхонликнинг паст даражаси;

рақамли хавфсизлик маданиятининг етишмаслиги;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ахборот алмашинувининг сустлиги⁵.

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021-2024 йиллардаги статистик маълумотлари.

² Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021-2024 йиллардаги статистик маълумотлари.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (2014 й.) <https://lex.uz/uz/docs/5960604>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>

⁵ Сатторов Ш. “Иқтисодий жиноятларнинг виқтимологик профилактикаси муаммолари”. – Т.: Юристарлар нашриёти, 2021.–Б.12.



Мамлакатимизда фирибгарлик жинояти профилактикасидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари таҳлил қилинди.

АҚШда Federal Trade Commission (FTC) томонидан “Consumer Sentinel Network” базаси орқали фуқаролардан фирибгарлик ҳақидаги маълумотлар тўпланади ва таҳлил этилади. “FraudWatch” дастури орқали онлайн жиноятлар профилактикаси амалга оширилади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида “EU Anti-Fraud Office (OLAF)” институти молиявий маблағлардан ноқонуний фойдаланишни мониторинг қилади. Европа банки тизимида “Fraud Prevention Hub” орқали маълумотлар алмашиш механизми йўлга қўйилган.

Сингапурда “Smart Nation” концепцияси доирасида молиявий операцияларни real-time таҳлил қилиш, аҳолига автоматик SMS огоҳлантириш тизимлари жорий қилинган.

Буюк Британияда “Action Fraud” онлайн портали фуқароларга фирибгарлик ҳолатлари ҳақида дарҳол хабар бериш ва уларни тизимли равишда қайд этиш имконини беради.

Юқоридаги тажрибалар шуни кўрсатадики, замонавий профилактика самарадорлиги фақат ҳуқуқий чоралар билан эмас, балки ахборот технологиялари, маълумотлар таҳлили ва аҳоли билан интерактив алоқалар орқали таъминланади.

Ўзбекистонда фирибгарлик жинояти профилактикасининг анъанавий ва замонавий профилактика механизмлари амалиётда татбиқ этилган ва ўзига хос самарадорлик кузатилмоқда. Хусусан:

Анъанавий профилактика усуллари:

аҳолини ҳуқуқий тарғибот ва маърифат орқали огоҳлантириш;

жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг жадал фаолияти;

жиноятлар ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги ва жавобгарлик чораларининг кучайтирилиши.

Бироқ *замонавий шароитда* бу усуллар етарли самара бермайди. Шу сабабли, профилактика соҳасида қуйидаги илғор ва инновацион механизмларга зарурат мавжуд:

банк, солиқ ва молия органлари маълумотларини интеграциялаш орқали шубҳали операцияларни “real-time” тарзда аниқлаш;

интернетдаги фуқаролар маълумотларини муҳофаза қилиш, фишинг ва спам орқали амалга ошириладиган фирибгарликни олдини олиш;

ўқув муассасалари ва оав орқали аҳолининг ҳуқуқий ва молиявий билимини ошириш;

ички ишлар, прокуратура, банклар, интернет-провайдерлар ва ннтлар ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш⁶;

⁶ Ҳамидов А. “Киберхавфсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида рақамли механизмлар”. – Тошкент давлат юридик университети илмий журнали, №4, 2023.–Б.25.



онлайн фирибгарликка қарши иш олиб борувчи махсус Киберпрофилактика марказлар (мисол: Cyber Fraud Response Center)ни ташкил этиш.

Юқоридагиларга асосланиб, фирибгарлик жинояти профилактикаси *самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар*

интеграциялашган ахборот тизимини яратиш орқали ИИБ, Бош прокуратура, Молия вазирлиги ва банк тизими маълумотларини ягона платформада бирлаштириш;

“Фирибгарликдан ҳимоя” интерактив порталида фуқаролар учун онлайн шикоят ва огоҳлантириш платформасини яратиш;

киберпрофилактика бўйича таълим дастурларига мактаб ва олий таълим муассасаларида “Молиявий хавфсизлик” фанини киритиш;

Фуқаролик жамиятини жалб этиш хусусан, ННТлар ва ОАВ орқали профилактик тарғибот кампанияларини ташкил этиш.

Хорижий тажрибани мослаштириш орқали Европа ва Осиё мамлакатларидаги илғор тажрибалар асосида миллий профилактика дастурини ишлаб чиқиш⁷.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фирибгарлик жиноятининг олдини олишда замонавий механизмлардан фойдаланиш — бу фақат техник масала эмас, балки қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ишончини мустақкамлаш ва иқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий шартидир.

Профилактика тизимини рақамлаштириш, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали фирибгарлик жиноятларини сезиларли даражада камайтириш мумкин. Шу боис, Ўзбекистонда профилактика соҳасида инновацион ва замонавий ёндашувларни кенг қўллаш зарур.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2021-2024 йиллардаги статистик маълумотлари
2. Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2021-2024 йиллардаги статистик маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (2014 й.) <https://lex.uz/uz/docs/5960604>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
5. Сатторов Ш. “Иқтисодий жиноятларнинг виктимологик профилактикаси муаммолари”. – Т.: Юристлар нашриёти, 2021.–Б.12.
6. Ҳамидов А. “Киберхавфсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида рақамли механизмлар”. – Тошкент давлат юридик университети илмий журнали, №4, 2023.–Б.25.

⁷ Исомидинов, С. (2023). Фирибгарлик жинояти тушунчасининг илмий-назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлили. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(4), 191-195.



7. Исомидинов, С. (2023). Фирибгарлик жинояти тушунчасининг илмий-назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлили. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(4), 191-195.